



„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“НИНГ ОЙЛИК КАЛЕНДАРИ

Йилнинг ўнинчи ойи. Октябрь лотинча «окто» — саккиз сўздан олинган. Қадимги римликларда,

ОКТАВРЬ НИМА

янги йил мартдан бошланган календарда — йилнинг саккизинчи ойи ҳисобланган.

САНА ВА ЮБИЛЕЙЛАР

3 — Ғиштининг 1-раёни.

4 — 1957 йил СССР да жаҳонда Ернинг биринчи сулуғий йўдоши муваффақиятли учирилди.

7 — 1949 йил Германия Демократик Республикаси эълон қилинди.

10 — Бутунитифок қишлоқ хўжалик ходимлари кун.

14 — Тожикистон АССР тузилди. 1929 йилдан Тожикистон Совет Социалистик Республикаси.

16 — Бундан 50 йил муқаддам (1921) РКП(б) Марказий Комитетининг ташаббуси билан Бутунроссия федерацияси, жулдан Туркистонда По-вольженинг оқ қолган аҳолисига ёрдам бериш мақсадида шайбалик ўтказилди.

17 — Озиқ-овқат сапоати ходимлари кун.

26 — В. И. Ленин номидagi Ўзбекистон металлургия заводи ишта туширилганга чорак аср бўлди.

27 — 1924 йил Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилди. 1924 йил Туркменистон ССР ташкил топди.

28 — Коммунистик партиянинг кўзга кўринган арбоби, машҳур совет дипломати, публицист В. В. Воронский туғилганига 100 йил тўлди.

29 — Ленин комсомол турилган кун.

30 — Қажрамонова Севастополь му-дофаси бошланганига 30 йил тўлди.

А Қ Р А Б

Октябрь — куз ойи. Сентябрга нисбатан кундуз кунлари анча салқин, кечаси эса анча совуқ бўлади. Дарахт барглари сарғайди, ҳазонрезлилик бошланади.

Мучал йили ва ўн икки бурж ҳисоби бўйича 23 октябрдан бошлаб акраб ки-ради.

Акраб кириши билан осмонда булут қўпайди, ёмғир ёғади. Об-ҳаво тез-тез ўзгариб туради. Қуёшли илқ кунлар кўпича совуқ ва ёмғирли кунлар билан алмашинади. Қиёроғи тушади. Баъзи йиллари октябр ойининг охирида со-вуқ ёмғир қорға айланиши ҳам куза-тилади.

Қуёғун, зағча ва қаргалар шу ойда учиб келади. Ҳашарот тобора кам қилина бошлайди. Кечалари бўладиган совуқларда кўпчилик ўсимлик қатори ғўза баргини ҳам совуқ уради.

Айрим йилларда октябрда кунлар

илқ келади. Кундуз кунлари ҳарорат 20 даражага ҳам бориши мумкин. Ана шундай илқ кузда бинафша каби гуллар иккинчи марта гуллабди.

Октябр ойида, аниқса қуруқ об-ҳаво шароитида, дарахт барглари рағ-рига ўғариб, ўзига хос ғўзаллик касб эта-ди. Узум, ўрин, нок, кейинроқ қайра-ғоч, шафтоли ва бошқа дарахтларнинг барги, қизғиш тусга кирилади. Аниқса, ўриннинг барги кишини ўзига мафтун этувчи сариқ, сарғалдон, қизғиш ва ҳа-то тўқ қизил рангга кирилади.

Акраб кирганидан кейин воҳаларда саъвалар пайдо бўлади. Илон, калтак-сак, бақа ва қурбақа, тивратикон киши уйкуга кирилади.

Октябрда ғўза барглари ҳазон бў-сада, аммо қўсаги очилаверади. Октябр — пахта йилги-теримда қизғин меҳнат ойидир.

КУЗ ИЛҲОМЛАРИ

Илҳом ташлаб кетган рассомдек ноҳуш
Оқшомни бўйди тунинг сиёҳи.
Деразамдан ҳар кун у йилги хомуш
Термулар... тортади ўйчан нигоҳи.

Йўқ-йўқ, қўларининг оламан юмиб,
Пешвоз чиқмоқликка гурур йўл қўймас,
Ярадор гулчани ташлашни юмиб,
Балки шунда ун қалб тақдор суймас.

Лекин ҳар парсага тайёр шу тугур
Чилларини бўлади таниш қўшмади.
Ярадор гулча-ни, олоҳ, у масрур —
Илҳомга жўроғи, қўйлар илҳомиди.

Тонгда деразамни очиб кунгайга
Бобо қўёш ила қураман сўзбат.

Умидвор қўлардан қочайин қайга
О, қўёш-бобожон бирор йўл кўрсат.

Бобом дер, жингала сочинми силаб:
Тентагини, селгидан қочиб нетасан?
Сўнг аста жунарган нисофини тилаб
Дер: кечирсанг албат бахтга етасан...

Илҳоми жўш урган рассом каби хуш
Оқшомни бевайид аявойи гуллар.
Ўмийиш эсламан — ҳаёл фаромуш,
Бирдан ёрилади нимқора йўллар.

Деразам тағида қадардон шарпа.
Адиба ҚОДИРОВА,
ТошДУ талабаси.

ЕР КУРРАСИДА

Шимолий яримшарда октябр ҳақиқий куз ойи ҳисобланади. Евро-па ва Шимолий Американинг каттагина майдонлари қор билан қопланади.

Қор туқдирга ўзига хос манзара бахш этади. Қарағай ўрмонлари қор либосига бурканади. Помир, Тянь-Шань, Кавказ, Альп тоғлари-да ҳам қор ёға бошлайди.

СССР Европа қисмининг ўртача минтақасида, Олтойнинг жануби-да, Шимолий Американинг улуғ қўллар раёнида дарахтларнинг барглари тўқилди. Бу пайтда эриқ дарахтининг меvasи илқиб ети-лади. Қўзқоринлар тугайди, ҳашаротлар қўрқинмай қолади.

Қўшлар оммавий равишда учиб кетади. Турлар, тоғлар аргам-чидек зузаюнага тизилиб учса, урдаклар кўндалангига қаторланиб уч-ади. Майда қўшлар — лойхўрак ва чуғурчуқлар гала-гала бўлиб, ёпирилиб учди. Қакку ва йиртиқ қўшлар алоҳида-алоҳида учиб кетадилар.

Кенг барглар ўрмонларида ҳайвонлар ҳам қишлоғи тайёргарлик қў-ра бошлайди. Тулки, олмахон ва қўйлар туллайди. Ёзи мўйина-лари секин-аста киши бароқ қўстинга алмашинади. Ўрта Осиё то-ғларининг тепасидаги қорлар қатла ми секин-аста қўпайди. Тўқилди ҳайвонлар пастга туша бошлайди. Қўй подалари ҳам қишиқ ўтлоқлар-га олиб тушилади.

Ўрта Осиёнинг текислик қисмида, Марказий Осиё қўллариди, Ши-молий Хитойда, Қанчақатда, СССР, Европа қисмининг жанубида, АҚШнинг шимолида қор тушади. Дарахтларнинг барги сарғайди, тоғдан совуқ шамол эса бошлайди.

Шимолий Америкадаги Аппалачи тоғларининг манзараси ўзгача: Қўқ тоғ, қора тоғ ва яшил тоғ устидаги хилма-хил дарахтлар афсо-налардаги каби ғўзал ва ранг-баранг тусга кирилади. Шакар-заранг дарахтининг барги тўқ қизил рангга, дубнинг барги олтин, жигарранг-қизил рангга, яна бир дарахтнинг барги худди қон ранги-да товланиб, тенги йўқ ажойиб манзара касб этади.

Бутун Ўрта деңиз соҳилларидаги ўлкаларда, Кичик Осиёда, До-жа ва Фурат ҳавзаларида, Эронда, Туркменистонда ва Ўзбекистон-нинг айрим қисмларида октябрда ёмғирлар ёға бошлайди.

Хиндустоннинг жануби-шарқида, Хинди-Хитойда, Хитойнинг жану-биди, Япониянинг жанубида эса ҳамоно ёз.

Октябр — жанубий яримшарда баҳорнинг ўртаси ҳисобланади. Экваторал ўлкаларнинг жанубий қисмидаги қулни ёмғир ёғади. Амазонка дарёсида сув тошқинлари бошланади.

Жанубий Африканинг жанубий қисмидаги Патагонияда ҳаво анча қуруқ ва иссиқ, Чилининг жанубида ва Оловли Ерда эса салқин ва нам, дарахтлар яшил либосга бурканади.

Африка жанубидаги Океанияда муссон ёмғирлари бошла-нади, Ангола ва Шимолий Родезия майин муссон билан қоплана-ди.

Арктикада эса октябр ойида қаттиқ совуқ бўлиб, қор бўронлари туради. Қўёш кўринмайди, совуқ ва қоронғу зимистонлик ҳукм суради.

САҲИФАНИ ДОЦЕНТ О. МҲМИНОВ УЮШТИРГАН.

Бизнинг маслаҳатимиз



БОҒЛАРДАГИ ИШЛАР

Октябрнинг охири — акраб киргунча помидор, лавлаг, гармидор, картошка, сабзи каби сабза-вотлар йилги-териб олинади.

Боғлардаги дарахт меvasлари — олма, нок, бе-ҳи, кечки шафтоли, анжир, анорлар териб тугал-ланади.

Ерга маҳаллий ўғит, суперфосфат солиб, да-рахт атрофи чопиб қўйилади. Қуағи шўдурлаш-да тупроқни ҳаддан ташқари майдалаш шарт эмас. Ер ийрик чопилиши (ёки ҳайдалishi) мак-садга мувофиқдир. Бунда зарарли ҳашаротлар нобуд бўлади, нам ахши сақланади, тупроқнинг дондорлиги ортади.

Дарахтларнинг барглари тўқилиши билан улар-ни йилги куйдириш, ёки бирон жойга қўйиб ташлаш зарур. Чунки барглар орасида зарарли ҳашаротлар, ёки уларнинг тухуми қолади.

Октябрда дарахтларда қуғиш буташ ўтказил-ди. Тўғри буталган дарахт кишини осон ўтказди.

Акраб кириши билан анор, анжир, тоқлар, кўмилди. Тоқини кўмилдан олдин уни кесиб, шакл бериш ва сўғириш лозим. Шу пайтдан бошлаб дарахтларни қўчириб экиш, қўчат қилиш мумкин.



ГУЛ ИҲЛОС-МАНДЛАРИГА

Октябрнинг охири — акраб кириши билан атрул шохлари кесилади, тақим қилиб ёки ту-роқ билан қўмилди. Атрул қўмилса тўсатдан тушган совуқ ёки киши қаттиқ совуқдан. омон қолади.

Гладиолус пиёзи, картошкагул, шойикул илдизи кавлаб олинади. Картошкагул ва шойикул ту-ган орасида бироз селгитиб ертўлада қуруқ қум орасида сақланади. Гладиолус пиёзлари эса ту-роқдан тозаланади, селгитилади, доқа халтага солиб салқин, қуруқ жойда сақланади.

Келгуси йили наъматак қўчати етиштириш мақ-садига унинг стратификация қилинган (қум ара-лаштириб нам ерга қўйиб қўйилган) уруғи ерга се-пилади. У келгуси йил март ойининг бошлари-да униб чиқади.

Редатор А. ИСМОИЛОВ.

ОКТАВРДА ФУТВОЛ

Октябрь ойида бўла-диган олий лига ўйинла-ри календари:

2 ОКТАВР
«Торпедо» — «Дина-мо» К
«КАЙРАТ» — «ПАХТА-КОР»

3 ОКТАВР
«Заря» — «Нефтичи»
«Шахтёр» — «Арабат»
«Спартак» — «Дина-мо» Мн
«Динамо» ТБ — СКА
«Зенит» — ЦСКА

8 ОКТАВР
СКА — «Нефтичи»
«Динамо» М — «Дина-мо» ТБ
«Динамо» Мн — «Кар-пати»

«Зенит» — «Спартак»

10 ОКТАВР
«Кайрат» — «Арабат»

12 ОКТАВР
«ТОРПЕДО» — «ПАХТА-КОР»

16 ОКТАВР
«Динамо» М — «Зе-нит»
«Динамо» Мн — «Кай-рат»
«Спартак» — «Пахта-кор»
«Заря» — «Торпедо»
СКА — «Шахтёр»

21 ОКТАВР
СКА — «Динамо»
«ДИНАМО» МН — «ПАХТАКОР»

«Карпати» — «Торпе-до»

26 ОКТАВР
«Торпедо» — «Дина-мо» Мн
«Арабат» — «Зенит»

«ПАХТАКОР» — «ШАХТЕР»
«Кайрат» — «Заря»

31 ОКТАВР
«Карпати» — ЦСКА
«Динамо» ТБ — «Ди-намо» К
«Арабат» — «Дина-мо» Мн
«Нефтичи» — «Зенит»
«ПАХТАКОР» — «ЗАРЯ»
«Кайрат» — «Шахтёр»
СКА — «Динамо» Мн
«Торпедо» — «Спар-так»

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ

Газетанинг уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга—2 сўм 64 тийин, бир йилга 5 сўм 28 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГА ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1972 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМ-ЛАРИДА, КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАР, КОЛХОЗ-СОВХОЗ-ЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚА-ТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 1/Х да Дон Карлос, 2/Х да Севилии сарторош, 3/Х да Ерм тош (қундузи), Спартак (кечу-руш).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 1/Х да Уғирланган умр, 2/Х да Имом, 3/Х да Табассум ўғиллари. МУҲИМНИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/Х да Фарғона тонг отгунча, 2/Х да Менинг жаннатим, 3/Х да Хотинимнинг эри, 4/Х да Кайно-на.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 3/Х да Музикали ле-торний, абонемент № 1. Биринчи концерт-лекция. «МУЗИКАНИ ҚАН-ДАЛ ЭШИТИШ ВА ТУШИНИШ КЕРАК» (Концерт-лекция, кундуз соат 12 да бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Москва Давлат цирки артистла-рининг гастроллари.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Дунё (3 серия) — «ЎЗБЕКИС-ТОН», «ҲАМЗА» номли (қундуз) ва кечкуруш.

Атаманинги тугатилиши (2 се-рия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛ-ТИ. «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «НАВОИЙ НОМЛИ, «КУКЧА» (қундуз ва кеч-куруш), «САНЪАТ САРОНИ» (кеч соат 6 ва 8.45 минутда), «СПУТ-НИК» (қундуз соат 12, 2, 4, 5, кеч 6 ва 9 да), «КОМСОМОЛ 50 ЙИЛ-ЛИГИ» (қундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8 яримда).

Бугдойзорлар орасида — «НА-КА», «ДРУЖБА» (қундуз ва кеч-куруш), «СПУТНИК» (қундуз соат 11, 3 ва кеч 7 да).

0416 номерли қочоқ — «МОС-ҚВА» (қундуз ва кечкуруш), «ИНИЮЗЛАМАЧЛАР» ватани — «КОМСОМОЛ 50-ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Эшлар — САНЪАТ САРОНИ (қундуз соат 11, 1, 3 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Атаманинги тугатилиши (2 се-рия) — «ФЕСТИВАЛЬ», Бугдойзорлар орасида — «ХИ-ВА».

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА МАЛАКАТИ МАШИНИСТКА КЕРАК

«Правда Востока» кўча-си 26-уй, 4-қават, 95-хонага мурожаат қилинсин. Телефон В-34-808.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг оммахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02874. А—1836.

ИНДЕКС — 64697.